

# ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ ЖАРАЁНИДА МЕТАЛЛСИЗ КЕРАМИКА ТИШ ПРОТЕЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ф.Х. Шамсиев**

**М.А. Алиева**

**К.М. Абдуюсупова**

**М.Н.Аляви**

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши маркази*

**Аннотация:** Пародонт касалликларини даволашда ортопедик стоматологик муолажалар ҳам мухим роль ўйнайди. Бу муолажалар ёрдамида тишларининг трауматик зўриқишини олди олинади ва тиши жаг системаси функцияларини мўтадиллаштирилади. Бу мақсадга эришиши учун ҳозирги вақтда ҳар хил турдаги анъанавий тиши протезлари билан биргаликда замонавий тиши протезларидан ҳам фойдаланиш таклиф қилинмоқда.

**Калит сўзлар:** Пародонт касалликлари, ортопедик стоматологик даволаши, металлсиз керамика.

Мақсад. Пародонт касалликларини даволашда ҳар хил турдаги тиши протезлари билан бир қаторда ҳозирги кунда кенг қўлланиб келаётган металлсиз керамика тиши протезларини қўллаш ҳусусиятларини ўрганиш.

Материал ва текширув усуслари. Биз ТҲКМРМ 1 Стоматология кафедрасига мурожаат қилган пародонт касалликлари бор бўлган, ёши 21 дан 60 гача бўлган 58 та беморни кузатдик. Беморлар кенг қўлланиладиган клиник ва лаборатор-функционал усуслар билан текширилди ва ташхис қўйилди. Беморларда пародонт касалликлари анъанавий усуlda комплекс даволаниб, сўнги босқичда ортопедик усуlda металлсиз керамика тиши протезлари қўйилди. Текширувлар мувофиқ равишда даволашдан олдин ва даводан кейин амалга оширилди.

Текшириш натижалари ва мухокамалар. Бир неча йиллик кузатувларимиз давомида биз пародонт касалликлари бор bemорларга металлсиз керамика тиши протезлари қўйишда бир қанча қоидаларга риоя қилиш кераклигини таклиф қиласиз:

1. Оғриқсизлантириш жараёнида пародонтни ҳимоялаш учун кам травма чақирувчи усуслардан фойдаланиш.

2. Тиш чархлаш жараёнида милкни заарламаслик учун эҳтиёт чораларини қўллаш ва циркуляр поғона ҳосил қилиш.

3. Чархланган тишларни ҳимоялаш учун вақтинчалик қопламаар қўллаш, бунда қопламалар чети милкни заарламаслиги зарур.

4. Қолип олиш вақтида милк ретракциясини эҳтиётлик билан амалга ошириш, баъзан эса ретракция қилмаслик.

5. Сунъий тиш тайёрлаш лаборатория босқичларида ҳамма тартиб ва қоидаларга амал қилиш.

6. Сунъий тиш протезларининг милк атрофи ва милк сўрғичига яқин жойларини травма чакирмайдиган қилиб шакллантириш.

7. Кўприксимон протез оралиқ қисмини мумкин қадар энсизроқ қилиб ва дўмбоқларини яссироқ қилиб шакл бериш.

8. Тиш протезларини маҳкамлашдан олдин оғизда ҳар хил окклюзион ҳолатларда текшириб кўриш ва мослаштириш.

9. Даволаш тугагандан сўнг ҳам беморни кузатиб бориш ва керак бўлганда протезни окклюзияга мослаштириб бериш.

Шундай қилиб, кузатувимиз давомида 36 та металлиз керамика қопламалар ва 21 та шиналовчи кўприксимон протез тайёрланди. 16 та беморда тугалланган нуқсонни тўлдириш учун олиб қўйиладиган протезлар қўйилди. Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, пародонт касалликларини даволашда бошқа турдаги тиш протезлари билан бир қаторда металлиз керамика тиш протезлари қўлланилганда ҳам патологик жараён стабиллашди, яллиғланиш ва бошқа белгилар йўқолди, bemorlar noxushliklari kamaydi. Юқорида келтирилган қоидаларга ва кўрсатмаларга амал қилган ҳолда тиш протезларини тайёрланса металлиз керамика протезлар ҳам яхши натижা беради.